

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

ШАРИПОВА ОЛИЯ АСКАРОВНА

**БОЛАЛАР СУРУНКАЛИ НОСПЕЦИФИК ЎПКА КАСАЛЛИКЛАРИДА
ЖИСМОНИЙ ВА ЖИНСИЙ РИВОЖЛАНИШДАН ОРҚАДА
ҚОЛИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Шарипова Олия Аскарровна

Болалар сурункали носпецифик ўпка касалликларида
жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишининг
клиник-патогенетик хусусиятлари.....3

Шарипова Олия Аскарровна

Клинико-патогенетические особенности задержки
физического и полового развития при хронических неспецифических
заболеваниях легких у детей.....31

Sharipova Oliya Askarovna

Clinical and pathogenetic features of the delay of physical and sexual
development in chronic nonspecific pulmonary diseases in children.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

ШАРИПОВА ОЛИЯ АСКАРОВНА

**БОЛАЛАР СУРУНКАЛИ НОСПЕЦИФИК ЎПКА КАСАЛЛИКЛАРИДА
ЖИСМОНИЙ ВА ЖИНСИЙ РИВОЖЛАНИШДАН ОРҚАДА
ҚОЛИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2DSc/Tib304 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) веб-саҳифанинг www.tashpmi.uz ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Бобомуратов Турдикул Акрамович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Шамсиев Фурқат Мухитдинович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиев Аҳмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арипова Тамарахон Уктамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Етакчи ташкилот: **Самара давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тошкент педиатрия тиббиёт институти мажлислар зали. Тел./факс: (+99871)262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация атвореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Э.А. Шамансурова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болаларда ўпканинг сурункали носпецифик касалликлари (ЎСНК) тез-тез ва давомли қайталаниши, беморнинг ҳаёт сифатини пасайтириши, меҳнатга лаёқатли даврида ўсмирлар ногиронлигига сабаб бўлиши туфайли дунё мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоси бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ўпканинг сурункали обструктив касалликлари ҳар 1000 кишининг 9,34 нафарига тўғри келади...»¹. Ҳозирги кунда «...ўпканинг сурункали обструктив касалликлари ер юзининг 64 миллион аҳолисида учрайди ва дунё микёсида ўпканинг сурункали касаллиги билан хасталанган болалар сони йилига ўртача 3% га ортиб бориши кузатилмоқда...».

Жаҳон микёсида, болалар касалликлари, жумладан, сурункали носпецифик ўпка касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг кечиши, ўпкадан ташқари оғир тизимли ўзгаришларни эрта босқичда ташхислаш², даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, болаларда ўпканинг сурункали носпецифик касалликларини барвақт ташхислаш; беморларнинг жисмоний ва жинсий ривожланишига таъсир этувчи турли омилларни аниқлаш; гипофиз соматотроп, қалқонсимон без ва буйрак усти бези фаолияти, суяк тизимининг структура-функционал ва минерал алмашинуви кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш; суяк метаболизмига яллиғланиш жараёнининг, иммун тизимининг, хусусан, цитокинларнинг таъсирини аниқлаш; болаларда ЎСНК нозологик шакллари, оғирлик даражаси ва давомийлигига боғлиқ ҳолда жинсий ривожланиш ва гипофизаргонада тизими ҳолати хусусиятларини ўрганиш; беморларда корреляцион таҳлил ёрдамида клиник, жисмоний ва жинсий ривожланиш, биокимёвий, денситометрик ва гормонал кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Шунингдек, касалликнинг иккиламчи профилактик тизимини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини, касалликни барвақт ташхислаш, ногиронликни эрта олдини олиш, аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш, самарали даволаш-профилактик усулларини белгилаш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш, уларнинг асоратларини камайтириш ҳамда юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... аҳоли касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва ҳаётининг давомийлиги

¹ Богданова А.В. с соавт. Эпидемиологические аспекты хронических болезней мелких бронхов у детей. //Вестник современной клинической медицины, 2015, том 8, № 2. –С.43–50.

² Yende S., Waterer G. W., Tolley E. A. et al. Inflammatory markers are associated with ventilator limitation and muscle dysfunction in lung disease in well-functioning elderly subjects // Thorax. - 2006; 61: pp.10–16.

узайишини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш»³ вазифаси белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда ўпканинг сурункали носпецифик касалликларига чалинган болаларнинг жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишининг клиник-патогенетик жиҳатларини ўрганиш ҳамда патогенетик омиллар фаоллигини пасайтиришга қаратилган самарали даво усулларини ишлаб чиқиш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сонли «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Болаларда ўпканинг сурункали носпецифик касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишининг клиник-патогенетик жиҳатларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Arkansas (АҚШ), Katholieke Universiteit (Белгия), Queen Elizabeth Hospital, Birmingham (Англия), Gerontology Research Center, Baltimore (АҚШ), Center for Cardiovascular and Pulmonary Research, Vancouver, British (Колумбия), Institut de Cardiologie et de Pneumologie de Québec (Канада), Thammasat University (Таиланд); University of Graz (Австрия), Chiba University (Япония), Hôpital d'Enfants, CHU de Nancy (Франция), Республика пульмонология ва фтизиатрия илмий-амалий маркази (Беларуссия), Узоқ шарқ нафас физиологияси ва патологияси илмий марказининг Владивосток филиали (Россия) ва Самарқанд давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.tu.ac.th; www.medunigraz.at; www.uottawa.ca; www.chiba-u.ac.jp; www.uamshealth.com; www.en.wikipedia.org; www.nhs.uk; www.msfr.org; www.orf.od.nih.gov; www.yellowpages.ca; www.sammi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Жаҳонда болаларнинг сурункали носпецифик ўпка касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича қатор натижалар олинган, жумладан, сурункали тромбоэмболик ўпка гипертензия касаллигининг ривожланиши асосланган (Thammasat University (Таиланд); замбуруғ касалликларининг сурункали ўпка касалликларида сурункали ўпка аспергиллизасининг ривожланиш механизмлари асосланган (University of Graz, (Австрия); ЎСНК ўпкадан ташқари оғир тизимли ўзгаришлар билан кечиши асосланган (University of Pittsburgh (АҚШ); ўпканинг сурункали обструктив касалликлари ривожланишининг эрта босқичларида цитокинлар фаоллиги ошиши билан кечадиган тизимли яллиғланиш жараёнининг фаоллашиши исботланган (Royal College of Physicians of London (Англия); болалардаги нефропатия ва бўйракнинг туғма нуқсонларида жисмоний ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиши исботланган (Babol University of Medical Sciences (Эрон); ИЛ-6 нинг мушак заифлиги, юрак етишмовчилиги ривожланишидаги ўрни ҳамда ИЛ-8 нинг мушак массаси камайишидаги ўрни асосланган (University of Pittsburgh (АҚШ); ФНО- α яллиғланиш цитокинининг суяклардаги атрофик жараёнларни чақириши исботланган (Болалар саломатлиги илмий маркази РАН (Россия); бронх-ўпка тизимидаги яллиғланиш ва суяк ремоделланиши орасидаги боғлиқликни таъминлашда цитокинларнинг ўрни асосланган (University of Modena and Reggio Emilia (Италия); болаларнинг сурункали носпецифик ўпка касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятлари такомиллаштирилган (Самарқанд давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон).

Дунёда болаларнинг ўпка сурункали носпецифик касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: сурункали бронх-ўпка касалликларида тизимли яллиғланиш маркерларини асослаш; сурункали яллиғланиш жараёнининг яллиғланиш медиаторлари миқдорини, цитокинлар дисбаланси хусусиятларини ўрганиш, ўпканинг сурункали яллиғланиш касалликлари кечишини қиёсий ташхислаш; касаллик нозологик шаклларида жинсий ривожланиш ва гипофизар-гонада тизим хусусиятларини, сурункали касалликларда суяк метаболизми ва минерал алмашинув ҳолатини, шунингдек, ягона ва адекват диагностик ва терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш устувор йўналишларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда АҚШда 10–16 млн. киши ЎСНК билан касалланган. Европа мамлакатларида клиник аниқланган ЎСНК катта ёшдаги аҳолининг 4–10% га тўғри келади (Беморлар ҳисобини олиб бориш баённомаси. Соҳавий стандарт, 2003; European Lung White Book, 2013). Broekhuizen R., (2005), Yende S., et al., (2006), Karadag F. et al., (2008) ҳозирги кунга келиб сурункали бронх-ўпка касалликларининг ўпкадан ташқари тизимли кўринишларининг баъзи жиҳатларини аниқлаштиришди. И.А.Баранова (2004), В.А.Томашевская (2005) яллиғланиш жараёни-

нинг суяк метаболизмига таъсирини кенг муҳокама қилишган. Шунингдек, П.П. Захаров (2008) томонидан болалик даврида бошланиб, ўспирин ва катта ёшга етган беморларда давом этадиган ўпка сурункали яллиғланиш касалликларининг ёшга оид эволюцияси ва оқибатлари ўрганилган. Л.А. Щеплягина (2005) ўпканинг туғма нуқсонларида суяк тўқимаси минераллашув кўрсаткичларининг жиддий пасайишини аниқлаган. Е.А. Лаптева ва бошқ. (2013) эмфизема ва гипоксик бузилишларнинг кучайиб бориши остеопорознинг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этиши, бу эса, ўз навбатида, денситометрик текширувларни ўтказиш лозимлигини кўрсатди.

ЎСНК билан касалланган болаларда жинсий ривожланиш бузилишларига бағишланган ишлар жуда кам (Н.С-М. Омаров (2009), М.В. Куандыкова (2009), олинган натижалар эса бир-бирига зид. Муаллифлар бу масалада фақат бир нарсада бир тўхтамга келишган: ЎСНКда жинсий ривожланиш муаммоси ҳақиқатдан ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда аввал амалга оширилган тадқиқотлар Н.Д. Азизова (2003) томонидан болаларда сурункали пневмониянинг тарқалганлиги ва структураси ўрганилган. М.Б. Деворова ва ҳаммуал. (2004) аллергик касалликлар билан хасталанган болалар жисмоний ривожланишининг худудий хусусиятларини кузатганлар, шунингдек, Р.А.Мусажанова (2014) болалар сурункали бронх-ўпка касалликларида вегетатив кўринишларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатган. Иноятова Ф.И., А.Х. Ахмедова (2006) томонидан сурункали вирусли гепатит В билан касалланган болаларда жисмоний ривожланишдан орқада қолишининг клиник-патогенетик жиҳатлари ўрганилган. Д.Х. Маматқулова Д.Х. ва ҳаммуал. (2008) болалардаги сурункали пневмонияда маҳаллий лимфатик антибиотикотерапия самарадорлиги бўйича ҳам ишлар бажаришган. Шу билан бир вақтда бу муаммони ўрганиш ҳозирча фрагментар характерга эга.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда болаларда ўпканинг сурункали носпецифик касалликларида жисмоний, жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг ва остеопеник синдромнинг патофизиологик механизмларини ўрганиш ва иккиламчи профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш жуда ҳам долзарб ва муҳим амалий масалалар ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактик усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2014) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўпканинг сурункали носпецифик касалликлари билан хасталанган болаларнинг жисмоний ва жинсий ривожланиш хусусиятларини комплекс баҳолаш ва иккиламчи профилактика тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЎСНК клиник вариантлари ва яллиғланиш жараёнининг давомийлигига боғлиқ ҳолда болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш;

гипофиз соматотроп фаолияти, қалқонсимон без ва буйрак усти беzi ҳолатини баҳолаш;

касалликнинг клиник кўринишларига боғлиқ ҳолда суяк тўқимаси минерал зичлиги ҳолатини ва суяк метаболизми кўрсаткичларини баҳолаш;

ЎСНКнинг турли шаклларига кўра яллиғланиш цитокинлари информативлигини баҳолаш;

касалликнинг нозологик шаклларига кўра жинсий ривожланиш ва гипофизар-гонада тизим ҳолати хусусиятларини баҳолаш;

ЎСНК билан хасталанган беморларда корреляцион таҳлил ёрдамида клиник, биокимёвий, денситометрик ва гормонал кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишни ҳисобга олган ҳолда ЎСНК иккиламчи профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 294 нафар ЎСНК билан Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи клиникаси болалар бўлимида даволанган болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гормонал, биокимёвий текширувларни амалга ошириш, цитокинлар миқдорини баҳолаш учун қон зардоби, остеопеник синдромда остеоденситометрик текширув материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда клиник, биокимёвий, иммунологик, рентгенологик, функционал, остеоденситометрик, бронхологик ва статистик текширув услулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЎСНКда болаларнинг жисмоний ва жинсий ривожланиши ортада қолиш даражаси бронх-ўпка тизимининг бирламчи зарарланиш характери, патологик жараён давомийлиги, касаллик оғирлиги ва гормонал бузилишлар билан боғлиқлиги асосланган;

ультратовушли денситометрия усулида товон суяги минерал зичлиги, суяк тўқимаси структур-функционал ўзгаришлари гетерогенлиги ва унинг клиник-функционал хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланган;

бронх-ўпка тизимидаги яллиғланиш жараёни ва суякларнинг қайта тикланишида яллиғланиш цитокинларининг ўрни исботланган;

гипофизар-гонада, буйрак усти беzi ва тиреоид тизимдаги функционал бузилишлар касалликнинг клиник шакли ва давомийлигига боғлиқ ҳолда пубертат даврининг кеч бошланишига олиб келиши исботланган;

корреляцион таҳлил асосида жисмоний, жинсий ривожланиш кўрсаткичлари ва эндокрин тизим гормонлари, суяк минерал зичлиги, ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЎСНКда жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишни ташхислашнинг қўшимча мезонлари ишлаб чиқилиб, бу соғлиқни сақлаш амалиётида бемор болалар реабилитациясида мақсадли йўналтирилган амалий тадбирларни қўллаш имконини бериши исботланган;

ЎСНКга чалинган беморларда суяк минерал зичлиги пасайиши тўғридан-тўғри касалликнинг клиник вариантлари ва оғирлиги билан узвий боғлиқлиги исботланган;

ЎСНК билан хасталанган беморларда клиник аломатларни яхшилаш, ташқи нафас фаолиятини тиклаш ва гипоксияни бартараф этишга қаратилган реамберин, кальций Д₃, аевит ва тимус препаратлари билан комплекс даволаш тизими ишлаб чиқилган;

жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолган болаларни соғломлаштиришда иккиламчи профилактиканинг мақсадга йўналтирилган босқичли амалий тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, антропометрик, объектив клиник, лаборатор-инструментал, биокимёвий, гормонал, остеоденситометрик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик текширув услублари олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий жиҳати болалар сурункали носпецифик ўпка касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишда орқада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятларини такомиллаштиришга ҳисса қўшган. Жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг патогенетик механизмлари ва қонуниятлари, товон суягининг минерал зичлиги ўзгаришлари, пубертат даврининг кечикишида гипофиз-гонада тизими фаолиятининг танқислиги, бронх-ўпка тизимидаги яллиғланиш жараёни ва суякларнинг қайта тикланишида цитокинларнинг ўрни исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали носпецифик ўпка касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишда орқада қолишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, қаратилган чора-тадбирлар асосида қўшимча ташхис мезонлари ишлаб чиқилгани, клиник, гормонал, денситометрик ва иммунологик кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқлангани, реамберин, кальций Д₃, аевит ва тимус препаратлари билан комплекс даволаш самарадорлиги, шунингдек, ЎСНК билан хасталаниб, жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолган болаларда иккиламчи босқичли профилактик тадбирларнинг тизимли асосини ишлаб чиқиш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар ўпка сурункали носпецифик касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болалар ўпка сурункали носпецифик касалликларида остеопеник синдром» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 17 майдаги 8м/141-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда остеопеник синдромни эрта ташхислаш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллаш имконини берган;

«Ўпканинг сурункали носпецифик касалликларига чалинган ўғил болаларнинг жинсий ривожланиши» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 17 майдаги 8м/140-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали носпецифик ўпка касалликларида жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятларини аниқлаш ва босқичли иккиламчи профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида қўллашга имкон берган;

болаларнинг ўпка сурункали носпецифик касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишдан ортада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар болалар кўп тармоқли шифохонаси, Тошкент тиббиёт академияси биринчи ва иккинчи клиникалари, Самарқанд давлат тиббиёт институти биринчи клиникаси клиник амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги 8н-з/201-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолиш, остеопеник синдромни эрта даврда ташхислаш ва иккиламчи босқичли профилактикани қўллаш орқали касаллик ремиссия муддатини узайтириш, асоратларини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, болаларнинг шифохонада даволаниш муддатини ўртача 4–4,5 кунга қисқартириш ҳамда амортизация харажатларини икки баробар камайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 186 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларнинг ўпка сурункали носпецифик касалликларида жисмоний ва жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг клиник-патогенетик хусусиятларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда болалар ЎСНКнинг замонавий муаммолари, болаларнинг норма ва патологиялардаги жисмоний ва жинсий ривожланиши хусусиятлари, остеопения ривожланиши ва суякларнинг минерал зичлигини белгиловчи омиллар, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштирилиши лозим бўлган жиҳатлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Болалар ўпка сурункали носпецифик касалликларининг клиник тавсифи, қўлланилган тадқиқот усуллари ва даволар**», деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти тавсифи, қўйилган масалалар ечимини топишни таъминлайдиган услублар ва услубий ёндашувлар берилган. Ишнинг мақсад ва масалаларига мос ҳолда ЎСНК аниқланган 10–16 ёшдаги 294 нафар бемор: 190 та ўғил (64,6%) ва 104 та қиз (35,4%) болалар текширилган. Назорат гуруҳини шу ёшдаги соғлом болалар (190 та ўғил ва 175 та қиз болалар) ташкил қилди.

ЎСНК клиник шакллари хисобга олган ҳолда беморлар куйидагича тақсимланди: локал пневмосклероз билан 82 нафар, бронхоэктатик касаллик билан 28 (сурункали пневмония – 110 нафар), сурункали бронхит (СБ) – 84 (обструктив шакли – 46, нообструктив шакли – 38), бронхиал астма (БА) – 100 (атолик – 86, ноатолик – 14) беморлар.

Ташқи нафас функцияси (ТНФ) “Medicor” фирмаси (Венгрия) спирометри ёрдамида текширилди. Олинган кўрсаткичлар бўйича, уларнинг нормадаги кўрсаткичлардан фарқига кўра сурункали пневмония (СП) билан хасталанган беморлар (54,5%), сурункали бронхит (61,9%) ва бронхиал астма (81%) билан оғриган беморларда вентилицион нафас етишмовчилигининг обструктив типи устунлиги аниқланди. Вентилицион нафас етишмовчилигининг рестриктив типи алоҳида ҳолатда СП билан хасталанган беморларнинг 16,4% қисмида, вентилицион нафас етишмовчилигининг комбинирланган шакли 16% беморларда кузатилди. Бу ҳолатда рестриктив бузилишлар нафақат органик ўзгаришлар (пневмосклероз), балки ўпканинг вентилицион ҳажми камайиши билан ҳам боғлиқлиги аниқланди. Бронхоэктази ва икки томонлама сурункали яллиғланиш ўчоғи бўлган беморларда пикфлоуметрия

кўрсаткичлари нормадаги ўртача кўрсаткичдан 20% дан 35% гача камайганлиги кузатилди, аксинча, бронхлар кенгаймаган ҳолда деформацияси бўлган ва нафас чиқаришнинг максимал тезлиги бир томонлама локализациясида бу кўрсаткич нормадаги ўртача кўрсаткичдан 12% дан 18% гача камайганлиги кузатилди. БА интермиттерланувчи ва енгил персистив шакли бўлган беморларда касаллик авж олиш даврида нафас чиқаришнинг максимал тезлиги 15% дан 27% гача камайганлиги, БА ўрта-оғир ва оғир персистив шаклида касаллик авж олиш даврида нафас чиқаришнинг максимал тезлиги ($P < 0,001$) нормадан анчагина камайиши кузатилди ва нормадаги ўртача кўрсаткичнинг 37% дан 49% қисмини ташкил қилди.

Капилляр қоннинг кислород билан тўйинганлиги текширилганда қуйидагилар аниқланди: кислороднинг $82,3 \pm 3,4\%$ гача камайиши сурункали пневмония билан касалланган беморларда, $80,2 \pm 4,2\%$ га камайиши СБ да ва $84,8 \pm 3,8\%$ га камайиши БАнинг оғир кечишида кузатилди. СП, СБли беморларда касалликларнинг ремиссия даврида кислороднинг тўйинганлиги камайиши $87,5 \pm 2,9\%$ гача сақланиб қолди, шу йўсинда БА ли беморларда касалликнинг кўзғалишидан ташқари вақтларида кислород тўйинганлиги камайиши $92,4 \pm 2,9\%$ ни ташкил қилди, соғлом инсонларда бу кўрсаткич $98,5 \pm 1,5\%$ га тенг бўлди.

Ахволининг оғирлилик даражасига қараб беморлар қуйидагича тақсимланди: сурункали пневмонияда касалликнинг ўртача оғирликдаги кечиши 74 нафар болада ($67,3\%$), оғир кечиши 36 та беморда ($32,7\%$) қайд қилинди. Сурункали бронхитда касалликнинг ўртача оғирликдаги кечиши 43 нафар ($51,1\%$), оғир кечиши 41 нафар ($48,9\%$) болада кузатилди. БА да ўртача оғирликдаги кечиш ҳолати 70 та болада (70%), оғир кечиши 30 та (30%) беморда аниқланди.

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари тана узунлиги (бўй), вазни ва кўкрак қафаси айланасининг мутлоқ қийматлари бўйича баҳоланди. Вазн бўй индекси $VBI = \text{вазн} / \text{бўй} (m^2)$ формуласи билан аниқланди. Олинган натижалар БЖССТ томонидан тавсия қилинган (2007), болаларнинг бўйи ва ривожланиши стандартлари билан таққосланди.

Жинсий ривожланиш J.M. Tanner (1969) услубига биноан иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўлиши ва ифодаланганлик даражалари бўйича баҳоланди. Шунингдек, ўғил болаларда генетометрик таҳлил ҳам олиб борилди.

Текширилган болаларнинг қон зардобдаги гормонлар – тиреотроп гормон (ТТГ, мЕ/л), эркин тироксин (T_4 , мкг/дл), трийодтиронин (T_3 , нг/мл), фолликулостимулловчи (ФСГ, МлЕ/мл), лютеинловчи (ЛГ, МлЕ/мл), тестостерон (T , нмоль/л), эстрадиол (E_2 , пг/мл), соматотроп гормон (СТГ, нг/мл), кортизол (мг/мл) даражалари иммунофермент услубида аниқланди. Қон наҳорда тирсак венасидан олинди.

Қон зардобини биокимёвий текширганда Ca^{+} , фосфор ва ишқорли фосфатаза миқдорлари «Human» (Германия) фирмаси стандарт тўпламини кўллаган ҳолда иммунофермент услубида аниқланди.

Қон зардобидаги ФНО- α , ИЛ-1 β , ИЛ-6 цитокинлари концентрацияси ИФА учун «ИФА - ФНО- α , ИЛ-1 β , ИЛ-6» («Вектор-Бест», Россия, 2009) тест-тизимини қўллаган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил орқали аниқланди.

Суяк тўқимасининг минерал зичлиги (СТМЗ) болалар дастури билан жиҳозланган «SONOST 3000» аппаратида (Жанубий Корея) тоvon суягини остеоденситометрия қилиш услуби билан ўлчанди. Ультратовушли денситометрия ЎСНК мавжуд 104 нафар беморда амалга оширилди. Шулардан 33 нафарда СП, 35 нафарда СБ, 36 нафарда БА қайд қилинган.

УТ-остеометрия натижалари амалда соғлом болалардан иборат назорат гуруҳи (n=42) маълумотлари билан таққосланди. Остеопения мезони сифатида СТМЗнинг Z-мезон бўйича -1 дан -2,5 SD гача камайиши белгиланди, SD нинг -2,5 дан кўпроққа камайиши эса остеопороз сифатида қабул қилинди.

Комплекс даволаш ва босқичли иккиламчи профилактика реамберин, Кальций Д₃, аевит ва тимус препаратларини қўллаган ҳолда олиб борилди.

Реамбериннинг асосий фармакологик самараси шундаки, у аэроб гликолизнинг компенсатор фаоллашувини кучайтиради, митохондрияларда оксидланиш жараёнларининг босилиш даражасини пасайтиради, шунингдек, макроэргик бирикмаларнинг хужайра ичи фондини кўпайтириш қобилятига ҳам эга. Реамберин антигипоксик, антиоксидант, антидепрессив ва микроциркуляцияни яхшилаш таъсирларига эга. Реамберин вена ичига томчилаб юборилди. Касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда даволаш курси 7–10 кунни ташкил қилди. Кальций препаратларини D витамин билан бирга қабул қилиш умр давомийлигини ва ҳаёт сифатини кўпайтиради. Организмда кальций ҳазм қилиниши ва алмашинувига D витаминдан ташқари A, E витаминлари ҳам таъсир кўрсатади.

Таъсир моддаси сут эмизувчилар айрисимон безлари нордон полипептид мажмуасидан иборат бўлган тимус препаратлари иммунитетни кучайтирувчи таъсир кўрсатади, организмнинг носпецифик резистентлигини оширади, тўқималар регенерацияси жараёнларини ва қон яратишни стимуллайди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш IBM типидagi замонавий ҳисоблаш тизимларини қўллаган ҳолда «Excel» стандарт дастурлари ёрдамида амалга оширилди. Таҳлил этилаётган кўрсаткичлар орасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш учун r корреляция коэффициентини қўллаган ҳолда корреляцион таҳлил олиб борилди ва унинг аҳамиятлилиги t Стьюдент ва χ^2 Пирсон мезонлари ёрдамида текширилди.

Диссертациянинг «**Ўпканинг сурункали носпецифик касалликларида болаларнинг жисмоний ривожланиш ҳолати**» деб номланган учинчи бобида ЎСНК билан касалланган болаларнинг жисмоний ривожланиши касалликнинг клиник вариантлари, оғирлиги, давомийлиги ва болалар жинсига боғлиқлиги ёритиб берилди. Мутаносиб жисмоний ривожланиш 57 нафар (19,4%) беморда аниқланди. Жисмоний ривожланишда ортда қолиш (ЖРО) ҳолати 237 нафар беморда аниқланди, бу барча текширилган беморлар уму-

мий сонининг 80,6% ни ташкил қилди, шулардан 80 таси (27,2%) қиз болалар, 157 таси (53,4%) ўғил болалар. ЎСНК мавжуд беморларда ЖРО касалликнинг клиник вариантларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда қайд қилинди.

Сурункали пневмония мавжуд бўлган беморларда ЖРО 83 нафар (75,4%) беморларда аниқланди, шулардан 21 таси (72,4%) қиз болалар, 62 таси эса (76,5%) ўғил болалар. СБли беморларнинг 72 нафариди ЖРО қайд қилинди, бу 85,7% ни ташкил қилди, шулардан 32 таси (44,4%) қиз болалар ва 40 таси (55,6%) эса ўғил болалар. БАли беморларда ЖРО 80 нафар (80%) беморда аниқланди, шулардан 27 таси (71,6%) қиз болалар ва 53 таси (85,4%) эса ўғил болалар. ЖРОнинг нисбатан кўп ҳолати СБли беморларда аниқланди. ЖРОнинг энг кам миқдори БАли беморларда кузатилди, улардан ўғил болаларнинг 11, 12, 15, 16 ёшида ва қиз болаларнинг 10, 14, 15, 16 ёшида бўй кўрсаткичларига нисбатан тана вазнининг камайиши ($-3CO$) кўп учради.

Болаларнинг жисмоний ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ЎСНКнинг оғирлиги ва узоқ муддатлилиги билан солиштирилганда улар орасида маълум бир боғлиқлик борлиги аниқланди. Касаллик қанчалик оғир ва узоқ вақт давом этган бўлса, болаларнинг жисмоний ривожланиши ҳам шунчалик орқада қолиши қайд қилинди, $r=0,50$; $r=0,39$ ($P<0,05$).

Антропометрик маълумотларнинг индивидуал таҳлилида қуйидагилар аниқланди: 134 нафар (56,5%) беморда ўртача бўй кўрсаткичи, 221 нафариди (93,2%) – тана вазни, 207 нафариди (87,3%) эса кўкрак қафаси ривожланишининг орқада қолиши қайд қилинди. СБли беморларнинг 11 тасида (13%) ва БАли беморларнинг 10 тасида (10%) 15–16 ёшга келиб, кечиккан жинсий ривожланиш кузатилди, бу болаларда тана узунлиги кўрсаткичлари ўртачадан юқори бўлди ($P<0,05$).

Ёшга нисбатан дифференциал таҳлил шуни кўрсатдики, жисмоний ривожланишдан ортада қолиш ҳолатларининг энг кўп учраши СБли ўғил болаларда 12, 13, 14 ва 15 ёшларга тўғри келди, уларда кўрсаткичлар $-3CO$ зонасида бўлди ($P<0,001$); СПли беморларда жиддий фарқ 10, 11, 15 ва 16 ёшга тўғри келди, бунда бўй кўрсаткичлари ($-2CO$) – ($-3CO$) зонасида, БАли 10, 11, 12, 15 ёшдаги ўғил болаларда бўй кўрсаткичлари ($-2CO$) – ($-3CO$) зонасида бўлди.

Шундай қилиб, ўпканинг сурункали касалликлари мавжуд ўспиринларда жисмоний ривожланиш касалликнинг клиник вариантлари билан ўзаро боғлиқ. СБ, бошқа клиник вариантлардан фарқли ўлароқ, асосан, ўспирин ўғил болаларда ЖРОга сабабчи бўлади.

Беморларнинг гормонал мақомини ўрганиш соғлом болалар гуруҳига нисбатан жиддий ўзига хос хусусиятларни аниқлаб берди.

ЎСНК барча гуруҳларда ўспиринлар кон зардобиди СТГ миқдори ўзига хос фарқларга эга бўлди. СП ва СБли болаларнинг СТГ даражаси барча ёш гуруҳларини назорат гуруҳи билан ($2,4\pm 0,19$ нг/мл; $2,68\pm 0,14$ нг/мл) солиштирилганда уларнинг ишонарли пасайиши ($0,75\pm 0,14$ нг/мл; $0,89\pm 0,2$ нг/мл $P<0,05$; $P<0,001$) кузатилди. СТГнинг кўпроқ камайиши ҳам СПли, ҳам СБли ўғил болалар билан солиштирилганда қиз болаларда қайд қилинди

($P < 0,05$). БАли беморларда СТГ даражаси катта ёш гуруҳидаги ҳар иккала ўғил ва қиз болаларда ишонарли даражада пасайди ($P < 0,05$).

Назорат гуруҳи билан солиштирганда, ЎСНК мавжуд қиз ва ўғил болаларда ТТГ зардоб даражаси миқдорининг ошиши (мос равишда $2,15 \pm 0,08$ млЕ/л- $3,24 \pm 0,2$ млЕ/л ва $1,21 \pm 0,05$ млЕ/л- $1,69 \pm 0,09$ млЕ/л) аниқланди ($P < 0,001$). Эркин T_4 фракцияси миқдори соғлом болаларга нисбатан ишонарли даражада ($P < 0,05$; $P < 0,001$) камайди ($5,86 \pm 0,37$; $5,21 \pm 0,03$; $6,05 \pm 0,46$; $6,2 \pm 0,38$ мкг/дл). Ушбу маълумотлар адабиёт маълумотларига мос келади (Абдулхабирова Ф.М., 2006; Скворцов В.В., 2010; Copyright 2002). ЎСНКнинг барча клиник вариантларида қон зардобида кортизол миқдорининг аҳамиятли равишда ўзгаргани аниқланди. Буйрак усти беши пўстлок моддаси функционал фаоллигининг энг камайиши, соғлом болалар гуруҳи билан солиштирганда ($220 \pm 5,4$ мг/мл), БАли беморларда кузатилди ($99,7 \pm 10,7$ мг/мл $P < 0,05$; $P < 0,001$), бу биз томонидан мослашув реакцияларининг камайиши сифатида баҳоланди.

УТ-остеометрия маълумотларига нисбатан суяк тўқимаси минерал зичлиги (СТМЗ)нинг камайиши ЎСНК мавжуд болаларнинг 84 нафариди ($80,7\%$), шулардан СПли 29 ($87,8\%$) беморда, СБли 32 ($91,4\%$) беморда ва БАли 23 ($63,8\%$) беморда қайд қилинди. Остеопения 52 нафар ($61,9\%$) беморда, остеопороз эса 32 нафар ($38,1\%$) беморда аниқланди. Бошқа ёш гуруҳлари билан солиштирганда, СТМЗнинг максимал камайиши қиз болаларда 11–12 ёшга ($P < 0,001$) ва ўғил болаларда шундай ўсиш 13–15 ёшга ($P < 0,001$) тўғри келиши аниқланди.

ЎСНК мавжуд болаларда СТМЗ ҳолатига боғлиқ ҳолда қон зардобидаги кальций-фосфор алмашинуви ва ишқорли фосфатаза фаоллиги хусусиятларини қиёсий ўрганиш алоҳида аҳамият касб этди. Тадқиқот натижаларини таҳлили СТМЗ камайган кичик гуруҳ беморларида умумий кальций кўрсаткичлари $1,74 \pm 0,04$ ммоль/л ни ташкил қилганини, бу эса назорат гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлардан ишонарли даражада паст ($2,5 \pm 0,03$ ммоль/л ($P < 0,001$)) эканлигини кўрсатди. Нормал СТМЗ бор беморларнинг кичик гуруҳида гипокальциемияга мойиллик аниқланди $2,10$ ммоль/л ва $2,26$ ммоль/л. Кальций кўрсаткичларини жинсга боғлиқ ҳолда таққослашда қиз болаларга қараганда ўғил болаларда анча паст қийматлар (мос равишда $2,13 \pm 0,03$ ммоль/л ва $2,01 \pm 0,02$ ммоль/л) аниқланди. Шу билан бир вақтда ўғил ва қиз болаларда ноорганик фосфор концентрациясида жиддий фарқ аниқланмади, мос равишда $1,33 \pm 0,02$ ммоль/л ва $1,36 \pm 0,06$ ммоль/л, ($P > 0,05$). Умумий ишқорий фосфатаза (УИФ) фаоллигида фарқлар кузатилди, назорат гуруҳи билан солиштирганда ($290 \pm 8,92$ ЕД/л) бу кўрсаткичлар СТМЗ камайган болаларда юқорирок бўлди ($360 \pm 9,67$ ЕД/л, $P < 0,001$). Нормал суяк зичлиги бўлган беморларда УИФ $235 \pm 7,42$ ЕД/л гача камайиши кузатилди ($P < 0,001$). УИФ даражаси динамикаси бўйича хулоса қилиш мумкинки, ЎСНКда суяк массаси камайиши суяк ремоделланиши жараёнларининг дисбаланси натижасида юзага келади. Бунда СТМЗ пасайган беморларда ишқорий фосфатазанинг умумий фаоллиги остеобластлар

томонидан суяк тўқимасининг шаклланиш даражаси билан корреляция қилади, шунингдек, юқори резорбция суяк ҳосил бўлишининг баланд жараёни билан компенсация қилинмайди.

ЎСНКнинг барча вариантларида зардоб цитокинлари миқдорини аниқлаш жараёнида ИЛ-1 β концентрациясининг аниқ ортиши белгиланди, у назорат қиймати ($21,5 \pm 2,2$ пг/мл $P < 0,001$) билан солиштирилганда, СПда 9,5 марта, СБда 10,5 марта ва БАда 12 марта баланд бўлди. Назорат даражаси билан солиштирилганда, ИЛ-6 миқдори СП, СБ ва БАда 4–4,3 марта юқори бўлди ($27,9 \pm 2,5$ пг/мл $P < 0,001$). Бундай статистик аҳамиятли кўрсаткичлар ФНО- α даражасига ҳам тааллуқли бўлди. Бу цитокин миқдори, норма билан солиштирилганда, СП ва БАда 3,3 марта, СБда 4,3 марта баланд бўлди.

Маълумки, гипоксия шароитларида ИЛ-1 β , ФНО- α ва ИЛ-6 концентрациялари ошади, бу суяк тўқимасининг остеокластларга боғлиқ резорбциясига сабаб бўлади (Лаптева Е.А. 2013). Бундан ташқари, ЎСНКда суяк тўқимасининг ремоделланиш жараёни бузилишига остеобластларнинг бевақт апоптозли ўлими сабабчи бўлиши мумкин, унинг стимулятори эса ИЛ-1 β ва ФНО- α ҳисобланади.

Шундай қилиб, болалар ЎСНКда бўй ўсиши бузилишлари патогенези комплекс ҳисобланади. Суяк тўқимаси минераллашувининг пасайиши, яллиғланишдан олдин цитокинлар миқдорининг ошиши, тўқима гипоксияси ва эндокрин дисбалансида аниқланган қонуниятлар даволаш ва иккиламчи профилактиканинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этади.

Диссертациянинг «**Ўпканинг сурункали носпецифик касалликларида болаларнинг жинсий ривожланиш ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида иккиламчи жинсий белгилар ривожланиши ва ифодаланганлиги динамикаси болаларнинг биологик, индивидуал ривожланиши маркерлари ҳисобланиши таъкидланган. ЎСНКнинг барча клиник вариантларида жинсий ривожланиш бузилишларининг миқдори кўплиги аниқланган.

Генетометрик текширишлар СПли беморларда, 12, 13 ва 14 ёшга келиб, жинсий аъзолар ўлчамлари сезиларли даражада орқада қолганлиги ($P < 0,05$), 15–16 ёшда, соғлом болалар кўрсаткичлари билан солиштирилганда, ишонарсиз фарқ қилиши ($P > 0,1$)ни кўрсатди. СПдан фарқли ўлароқ, СБ ва БА гуруҳларидаги беморларда жинсий аъзолар ўлчамлари 14, 15 ва 16 ёшларда сезиларли даражада орқада қолганлиги аниқланди ($P < 0,001$).


СП бўлган ўғил болаларда иккиламчи жинсий белгилар ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатдики, 15–16 ёшда 26 та бемордан 18 тасида (69,2%) $P_2A_{x_2}$ кузатилди. J.Tanner усули бўйича бу ёшдаги ўғил болаларда P_{3-4} бўлиши керак. СБ бўлган 15–16 ёшли ўғил бола беморларда $P_1A_{x_1}$ 14 та бемордан 10 тасида (71,4%) аниқланди, $P_2A_{x_2}$ эса фақат 4 тасида (28,5%) кузатилди. СБ бўлган 100% ўғил болалар соғлом болаларга нисбатан иккиламчи жинсий белгилари ривожланиши жиҳатидан ортда қолиши кузатилди. БА бўлган 15–16 ёшли ўғил болаларда 22 та бемордан 6 тасида (27,2%) $P_1A_{x_1}$, 13 тасида (59%) $P_2A_{x_2}$ аниқланди.

Умуман олганда, ЎСНК мавжуд ҳамма текширилган ўғил болаларнинг 85,7% да ЖРО аниқланган. Касалликнинг давомийлиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда жисмоний ривожланиш таҳлили ЖРО даражаси ЎСНК давомийлиги ва оғирлик даражаси билан корреляция қилишини ($r=0,50$; $r=0,39$ ($P<0,05$)) кўрсатди. Масалан, ЎСНКга чалинган ўғил болаларда ЖРО белгилари касаллик давомийлиги 5–6 йил бўлган беморлар гуруҳида 66,7%, 7 йиллик давомийликка эга беморлар гуруҳида 88,9% ва касаллик анча кўп давом этган беморларда 100% ҳолатда аниқланди. Юқорида даражадаги гипоксия ва интоксикацияга сабаб бўлувчи шикастланиш билан биргаликда ЖРО даражаси ҳам ўрганилди. Бронх-ўпка тизимининг икки томонлама шикастланиши мавжуд 39,4% беморларда ва пульмонэктомиядан кейинги 3,2% беморларда жисмоний ривожланишнинг жуда орқада қолиши қайд қилинди.

Бемор қиз болалар клиник текширилганда, P_2Ax_2 босқичидаги жинсий тукланиш 16 ёшга келиб уларнинг 54,4%ида, P_3Ax_3 босқичида эса фақат 33,3%ида аниқланган. Шу билан бирга тенгдош соғлом болалар гуруҳида бу формула $P_{3-4}Ax_3$ кўринишида бўлади. Бундан ташқари, барча ёш гуруҳларида, соғлом қиз болалар гуруҳи билан солиштирилганда, сут безлари ривожланиши алоҳида босқичлари муддатларининг узайишга мойиллиги қайд қилинди. Сут безлари 16 ёшга келиб 24,4% беморларда Ma_3 босқичда, қолганларида эса Таннер бўйича II даражадан ошмади. Маълумки, қиз болалар жинсий ривожланишининг энг объектив кўрсаткичи биринчи ҳайз пайдо бўлиши ҳисобланади. Бизнинг республикамызда, Аюпова Ф.М. (1998) маълумотларига кўра, менархенинг ўртача ёши 12 йил-у 10 ойни ташкил қилади. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ЎСНК мавжуд қиз болалар орасида 13 ёшга келиб ҳайз бошланиши қайд қилинган шахслар аниқланмади. Даволашда тизимли глюкокортикоидлар қўлланилган БАли қиз болаларда ҳайз функцияси шаклланишининг бузилиши кўпроқ аниқланди. ЎСНК билан касалланган қиз болалар орасида ЖРО учраш тезлиги катта ёшдаги гуруҳларда кўпроқ аниқланди ва 82,7% ни ташкил қилди. Қон зардобидаги жинсий гормонлар ва гонадотропинлар миқдорини текшириш натижалари орқали гипофиз-гонада тизимидаги функционал бузилишлар тасдиқланди (1-расм).

Соғлом ўғил болаларда пубертат даврида гипофизнинг гонадотроп гормонлари секрецияси ошиши бир хил эмас, деярли барча ёш гуруҳларида ЛГ миқдори ФСГ миқдоридан устун туради. Тадқиқотларимиз натижалари кўра СП ва СБли беморларнинг 10–11 ёшида ФСГ даражасининг ошиши ($P<0,05$), СБ ва БАли беморларда ЛГнинг сезиларли камайиши (мос равишда $1,18\pm 0,26$; $0,73\pm 0,32$ МлЕ/мл) ва ЎСНКнинг барча клиник шаклларида тестостероннинг сезиларсиз ошиши ($3,57\pm 0,67$; $3,47\pm 0,55$; $3,9\pm 0,67$ нмоль/л) қайд қилинди. Бу, чамаси, болаларда пубертат даври бошида гипоксияга жавобан ФСГ концентрацияси компенсатор тарзда ошиши, ЛГ эса пастлигича қолиши билан боғлиқ ($P<0,001$). Бу гормонларнинг синергизм таъсири ушбу ёшдан бузила бошлайди. ЎСНК мавжуд беморларда 14 ёшдан


бошлаб тестостерон миқдори назорат гуруҳи билан солиштирилганда ($9,49 \pm 0,9$ нмоль/л - $13,44 \pm 1,21$ нмоль/л) сезиларли тарзда камайиб боради ($7,9 \pm 0,33$ нмоль/л - $8,6 \pm 1,67$ нмоль/л, $P < 0,05$). Тестостерон камайиши ЎСНК мавжуд беморларда гонадаларнинг ЛГга сезувчанлиги камайганлигидан далолат беради.



1-расм. ЎСНК билан касалланган ўғил болалар қон зардобда гонадотроп гормонлар миқдори.

ЎСНК мавжуд ўғил болаларда қайд этилган паст генетометрик кўрсаткичлар ФСГ ва ЛГнинг паст концентрациялари билан корреляция қилади ($r=0,33$; $r=0,38$). ЎСНК клиник шаклларига мос равишда гипофизар-гонада тизими ҳолатини қиёсий ўрганиш кўрсатдики, энг сезиларли ўзгаришлар СБли беморларда қайд қилинади.

ЎСНК мавжуд қиз болаларда гипофизар-тухумдон тизимини текшириш натижалари баъзи жинсий гормонлар ишлаб чиқарилишида жиддий ўзгаришлар юз беришини кўрсатди (2-расм).



2-расм. ЎСНК билан касалланган қиз болаларда гипофизар-тухумдон тизимининг гормонал тавсифи.

2-расмда кўрсатилганидек, ўпканинг сурункали касалликлари мавжуд қиз болалар қон зардобида пубертат даври бошланишида ФСГ даражасининг жиддий ошиши қайд қилинмади ($P < 0,05$; $P < 0,001$). Бутун пубертат ривожланиш даври давомида ЛГ миқдори сезиларли даражада паст бўлди ва кеч пубертат даврида ҳам паст бўлиб қолди ($P < 0,05$; $P < 0,001$).

ЎСНК клиник вариантларига боғлиқ ҳолда ФСГ ва ЛГ даражалари ўрганилганда БАли беморлар гуруҳида катта ўзгаришлар қайд қилинди. Ўпканинг сурункали касалликлари мавжуд қиз болаларда эстрадиол даражасининг камайиши катта ёшдаги гуруҳларда анча паст бўлди ($P < 0,001$). Касаллик оғирлигини ҳисобга олиб таҳлил қилинганда, СП ва СБ оғир кечган беморларда жинсий стероидлар даражаси анча паст бўлганлиги аниқланди. БА оғир кечган қиз болаларда жинсий стероидлар даражаси назорат гуруҳига нисбатан анча юқори бўлди ($P < 0,05$).

Ҳозирги вақтда тиббиётда олинган натижаларни изоҳлаб беришда корреляцион ўзаро боғлиқликни аниқлаш зарурий ҳисобланади (Куповых Ж.Г., 2015). ЎСНК мавжуд беморларда таҳлил қилинаётган ўзаро алоқаларнинг маълум бир хусусиятлари аниқланди. Соғлом болалар

гуруҳида ўрта ($r=0,64$) ва кучли ($r=0,72$) корреляцион боғлиқликлар жисмоний, жинсий ривожланиш ва гормонлар орасида қайд қилинди. Аниқланган корреляциялар пубертат даврида содир бўлаётган физиологик жараёнлар кечишини тасдиқлайди.

Ўпканинг сурункали касалликлари мавжуд ўғил болаларда тизимлараро ва улар ичида корреляцион боғлиқлик аниқланди. Масалан, жисмоний ривожланиш параметрлари ва генетометрик кўрсаткичлар орасида ўрта ва кучли мусбат боғлиқликлар ($r=0,61$, $r=0,74$) аниқланди. ФСГ ва бўй ($r=0,42$), тана вазни ($r=0,45$) ва ЛГ ($r=0,34$), ЛГ ва тана вазни ($r=0,39$), генетометрик кўрсаткичлар ($r=0,37$) орасида ўртамиёна мусбат боғлиқлик кузатилди. Ўртача мусбат боғланиш ТТГ ва тана вазни ($r=0,35$), T_3 ва тана вазни ($r=0,32$), жинсий олат ўлчамлари ($r=0,33$); T_4 ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ($r=0,35$, $r=0,37$), жинсий олат ўлчамлари ($r=0,37$); тестостерон ва тана вазни ($r=0,48$), бўй ($r=0,44$), мойк ўлчамлари ($r=0,47$) ва ФСГ ($r=0,59$) орасида аниқланди. T_4 ва генетометрик кўрсаткичлар орасида ($r=0,27$) ҳамда ФСГ ва мойклар орасида ($r=0,25$) кучсиз мусбат боғланиш қайд қилинди.

Маълумки, ФСГ мойклар стромаси ва эгри-бугри уруғ каналчаларига морфогенетик таъсир кўрсатади ва бу иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўлгунча мойкларнинг ўлчамлари анча катталашиши билан кечади. Назорат гуруҳи билан солиштирилганда, паст генетометрик кўрсаткичли ўғил болаларда кўпчилик боғлиқликлар ўз кучини йўқота борди.

Қизларда ҳам тизимлараро ва тизимлар ичра ўзаро боғлиқликлар кузатилди. Жисмоний, жинсий ривожланиш ва гипофизар-гонада тизими гормонлари орасида кам кучли ($r=0,76$), кўп ўртача ($r=0,42$) ва кучсиз ($r=0,28$) мусбат боғланишлар аниқланди.

